

Ishonch

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

2022 йил
27 декабрь
сешанба
№ 156 (4752)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Санкт-Петербург шаҳрида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ташаббуси билан ўтказилган МДХ давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.



«Самарқанд вилоятининг туризм ва транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, вилоятни «Самарқанд – Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси» концепцияси асосида ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Президент қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари «Гимнастика спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ғайрат Фозилов Польша элчиси Радослав Грук билан учрашди.



Президентимизнинг тегишли фармони билан Тўра Боболов Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимидан озод этилди.



Тошкент шаҳар прокурори лавозимида ишлаб келган Улуғбек Қосимов Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.



Мамлакатимиз ҳукумати делегациясининг Озарбайжонга ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Жамшид Хўжаев ва Озарбайжон Республикаси иқтисодий вазири Микайил Жаббаров ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.



Ўзбекистондан Болгариянинг Бургас портига «Урта транспорт йўлаги» бўйлаб биринчи контейнерли блок поезд жўнаб кетди.

Кореянинг Инчхон шаҳри ҳокимининг барқарор ривожланиш ҳамда сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Хэн Сук Ли бошчилигидаги делегация Фарғона вилоятига ташриф буюрди.



Термиз халқаро аэропорти реконструкциядан сўнг ишга туширилди.



Во ажабо!

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ ДАМ ОЛАЁТГАН МУЗЕЙЛАР

Одамлар дам олиш кунлари театр, музей ва истироҳат боғларига бориб, маданий ҳордиқ чиқаришни хуш кўришади. Шанба кунини йўлим тушиб, Тошкентга борган эдим. Шунча йўлдан келдим, ҳеч бўлмаса, бирорта музейни томоша қилиб кетай, деб сеvimли адабимиз Абдулла Қаҳҳорнинг уй музейига боришга қарор қилдим ва манзилни суриштириб, йўлга тушдим...

Ва ниҳоят, кўзлаган манзилимга етдим. Аммо қўшқаватли музей эшигида «Дам олиш кунлари – шанба, якшанба» деган ёзувни ўқиб, ҳафсалам пир бўлди. Юз эллик-икки юз метр юрган ҳам эдимки, яна бир музейга рўбарў келдим. Академик Юнус Ражабийнинг уй-музеини ҳам шу кўчада экан. Афсуски, бу маданият маскани ҳам шанба-якшанба кунлари ишламас экан. Шу ўринда Маданият ва туризм вазирлигига бир савол: ҳамма қатори музейлар ҳам дам олиш кунлари дам оладиган бўлса, унда корхона, ташиқлот ва муассасаларда меҳнат қиладиган кишилар қачон музейларга боришади?

Муҳаммадали АХМАД
Гулистон шаҳри



Фарғона
вилояти

Тадбир

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Фарғона вилоятида ўтган бир йил давомида касба уюшмалари аралашуви билан ноҳақ ишдан бўшатишган ходимларга мажбурий прогн кунлари ва етказилган маънавий зарар бўйича 2 миллиард 78 миллион сўм ундириб берилган.

Бу рақамлар Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши томонидан 2022 йилда амалга оширилган ишлар ва 2023 йилга мўлжалланган устувор вазифалари муҳокамасига бағишланган йўналишда қайд этилди.

Вилоят кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев таъкидлаганидек, ишчи-ҳодимлар ҳуқуқлари ҳимояси юзасидан иш берувчиларга қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 43 та тақдирнома ва фуқаролик ишлари бўйича судларга 17 та даъво аризаси киритилган.

Меҳнат қонунчилиги ва муҳофазасига оид мурожаатлар асосида фуқароларга ўз вақтида тўлаб берилмаган 557 миллион сўм миқдоридagi зарар тўловлари ундириб берилишига эришилган.

Касба уюшмаларининг аралашуви билан бахтсиз ҳодиса оқибатида етказилган зарар учун «Кварц» АЖдан ишчи А.Асқаров фойдасига 28 миллион сўм, Фарғона механика заводи МЧЖдан А.Қорабоев фойдасига 144 миллион сўм, Халқ банки Тошлоқ бўлиmidан Н.Хасанова фойдасига 241 миллион сўмлик зарар тўловлари ундириб берилди.

Мурожаатчилар учун вилоят кенгашининг эшиклари ҳар доим очик. Ўтган бир йил давомида вилоят кенгашига 253 та турли шаклдаги мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг 106 таси қаноатлантирилган. Қолган мурожаатларга тегишлилиги бўйича тушунтиришлар берилган.

Касба уюшмалари тизимида туризмни ривожлантиришга қаратилган «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори остида 26 минг 202 нафар ишчи-ҳодимнинг юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳати уюштирилди. 7 минг 93 нафар ишчи-ҳодим Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига қарашли сиҳат-гоҳларда саломатликларини мустаҳкамладилар. Бу йил вилоят бўйича 11 минг 600 нафар ўғил-қиз сўлим оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқардилар.

Йиғилишда келгуси Инсонга эътибор ва сифатли таълим йилида амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди. Тизимда самарали меҳнат қилган бир гуруҳ фидойи ходимларга эсдалик совғалари топширилди.

Жамшид ЭРТАШЕВ
«ISHONCH»

Касба уюшмаси аралашгач...

КЕЧИКТИРИЛГАН МАОШЛАР ТЎЛАБ БЕРИЛДИ

Яқинда «Sizdan Telegram» каналида «ТОШКЕНТ вил. – «100 дан зиёд ишчининг маоши 3 ойдан буюн берилмапти» сарлавҳали қўйидаги видео мурожаат ёритилди:

«Тошкент вилояти, Пискент туманидаги пахта тозалаш заводи ҳудудида жойлашган «REAL AGRO COTTON» хусусий корхонаси вақтинча ижара шартномаси бўйича иш олиб боради. Ушбу корхонада чанг ютиб кечаю кундуз меҳнат қиладиган 100 дан зиёд ишчининг маоши 3 ойдан буюн берилмапти. Ишчиларнинг айримлари дорихона ва дўконлардан катта миқдорда қарз бўлиб қолган. Маош ундирилишида амалий кўмак сўраймиз».

Ушбу маълумот эълон қилиниши биланоқ Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашининг икки нафар меҳнат инспектори муаммога биргаликда ечим топиш ва ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида йўлга отланди. Манзилга етиб боргач, корхонанинг Пискент тумани филиали раҳбарининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари П.Эсанов, иш

ҳақи бўйича ҳисобчи Д.Эркинов, меҳнат, фуқаро муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича бош мутахассиси Б.Тошматов, ходимлар бўлими бошлиғи М.Хошимовалар иштирокида масалани атрофлича ўрганишди. Шу жараёнда корхонада 284 нафар ишчи-ҳодим фаолият юритиши, уларнинг 65 нафари аёллар экани, ногиронлиги мавжуд ходимлар йўқлиги, «REAL AGRO COTTON» УКнинг ходимлар иш ҳақидан октябрь ойи учун 1 миллиард 84 миллион сўм, ноябрь ойи учун 800 миллион сўм қарзи мавжудлиги аниқланди. Ўша куннинг ўзидек октябрь ойи учун берилиши лозим бўлган иш ҳақи эгаларига тарқатилди. Ноябрь ойи учун қарз эса уч банк иш кунида тўланадиган бўлди.

Шокир ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерациясининг
Тошкент вилояти кенгаши
меҳнат инспектори

Қорақалпоғистон
Республикаси

Хотира

ЭЛНИНГ МАРД ФАРЗАНДИ



Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасида давлат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Муса Ераниязов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб «Элнинг мард фарзанди» мавзусида хотира кечаси бўлиб ўтди.

Тадбирни уюшма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси К.Каримов олиб бориб, Муса Ераниязовнинг кўп йиллик фаол меҳнати ҳақида атрофлича сўз юритди. Шунингдек, «Амударё» журнали бош муҳаррири, Қорақалпоғистон халқ шоири

Х.Давлетназаров, «Дўстлик» ордени соҳиби, шоира Г.Давлетова ва бошқалар сўзга чиқиб, атоқли давлат арбобининг эзгу ишларини ёдга олишди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»



Олмалиқ кон-металлургия комбинати тизимида 40 та корхона бўлиб, уларда 46 минг 464 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади.

Марказий таъмирлаш-механика заводи касба уюшмалари фаолиятини намунали йўлга қўй-



Жараён

Ҳар қандай давлат лидерларга, яъни етакчилик ва йўлбошчилик қилиш қобилияти ва тажрибасига эга, мамлакат истиқболи учун астойдил жон кўдирадиган ватанпарвар ва халқпарвар кадрларга эҳтиёж сезади. Шунинг учун ўтган аср бошида миллатимиз келажagini ўйлаган жадидчи боболаримизнинг эзгу сазй-ҳаракатлари самараси ўлароқ, юзлаб истеъдодли ёшлар таълим олиш ва тажриба орттириш учун чет элларга юборилди. Истиқлол йилларида эса бир гуруҳ йигит-қизлар «Ўмид» жамғармаси йўлланмаси асосида хорижий олий ўқув юртларида ўқиди.

КЕЛАЖАК ЛИДЕРЛАРИ эртанги тараққиёт йўлимизни белгилайди

Табиийки, барча жабҳаларда ислохотлар изчил давом эттириляётган кейинги пайтларда ҳам замонавий кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз 2021 йил 30 июнда бўлиб ўтган Талабалар ва ёшлар форумида сўзлаган нутқида бир қанча масалалар қатори иқтидорли ёшлар орасидан янги авлод захира кадрлари – келажак лидерларини шакллантириш ташаббусини ҳам илгари сурди. Ўша йили 13 июлда эса соҳага оид муҳим фармонни имзолади. Унга кўра, республикада фаол ва ташаббускор ёшларни давлат фуқаролик хизматида қизиқтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган ташкилий чораларни амалга ошириш, истиқболли кадрлар селекцияси орқали жойларда юқори малакали давлат фуқаролик хизматчилари қатлами ҳамда янги авлод кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Келажак лидерлари» клуби фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунда клуб аъзолари ўзларига билдирилган ишонччи оқлаш, зиммаларидаги вазифаларни ташкилотчилик ва бошқарувчилик қобилиятларини намоён этган ҳолда амалга ошириш учун бор куч-ғайратларини сафарбар этишмоқда. Барчаси малакаси ва маънавий онгини узлуксиз юксалтириб бориш учун ҳаракат қилмоқда.

Дарвоқе, бу тузилма ташкил этилган пайтдаоқ кенг жамоатчилик уни қўллаб-қувватлаб, фаолиятини ривожлантиришга доир тақлиф-мулоҳазалар билдирди. Чунки бугунги кунда саёз, номгагина тайёрланган, мавсумий гуруҳбозлик асосида ўткази-

лаётган тадбир-лойиҳалар ҳам учраб туради. Ушбу селекция тизими эса дастлаб ёш лидерларга синов ва тажриба майдони сифатида хизмат қилади, яъни клуб аъзоларига амалга оширган ишларини таҳлил қилишни, ҳар бир масалага мантқан ва ҳолисона ёндашишни, хато-камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариб олишни ўргатади.

Етук мутахассислар бўлиб этиштишлари учун клуб аъзолари фидокорона хизматлари ва ҳалол меҳнатлари эвазига эл-юрт орасида катта ҳурмат-эътибор қозонган, ўз соҳасининг ҳақиқий устаси саналган ва бой ҳаётий тажрибага эга кишиларга бирик-тирилиши, улардан иш ўрганишлари керак. Бунда таниқли шахслар иштирокида вақти-вақти билан учрашувлар ўтказиб туриш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, келажак лидерларнинг устозлар билан ҳамкор-ҳамнафас бўлишлари, уларнинг мададига таяниши, айрим муаммоларни ҳал этишда ташаббускорлик кўрсатишлари фойдадан холи бўлмайди. Қолаверса, ёшлар янгиликлар яратиш масаласига доимо креатив ёндашишлари, ҳар бири ўз услубини яратишга интилишлари даркор. Чунки янгиликка интилиш маган инсон кечгаи ва бугунги кун билан чегараланиб қолади, оқибатда эртани кўзлаб иш юрйти олмайди.

«Келажак лидерлари» клуби аъзоларига хос энг асосий фазилятлардан бири ватанпарварликдир. Буни улар келгусида давлат хизмати соҳасига янги куч бўлиб киришлари ҳамда Ватанга, халққа ва Президентга садоқат билан хизмат қилишлари орқали намоён этадилар.

Соҳиба ҚИРҒИЗБОВЕА,

Тошкент шаҳар
Оила ва хотин-қизлар
бошқармаси бош мутахассиси



**Фарғона
вилояти**

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши ҳамкорлигида Фарғона вилояти қон қуйиш марказида «Мен донорман» шиори остида қон топшириш акцияси ўтказилди.

Акцияда касба уюшмалари аъзолари ҳамда фуқаролар ўз ихтиёри билан савобли ишга қўл уриб, донорга айландилар.

Мутахассисларнинг эътирофи эътиҳад, инсон организмиде 4,5-5 литр қон бўлади. Кўп йиллик илмий изланишлар ва куза-

тувлар шуни кўрсатадики, 500 мл.гача қон топшириш организм учун хавфсиздир. Ҳар бир донорлик амалиётида ўртача 350-400 мл. қон олинади. Донорлик нафақат қон олувчи, балки қон берувчининг саломатлиги учун ҳам фойдали ҳисобланади.

Фаолиятга назар

Ҳар жабҳада намунали

иштирокчилар касба уюшмасининг 8 та йўналиши бўйича ҳамкасблари фаолиятини ўрганишди.

– Касба уюшма аъзоларини моддий ва маънавий, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамиша эътиборимизда, – дейди МТМЗ касба уюшма кўмитаси раиси Равшан Ҳамроев. – Жумладан, жорий йилда хасталанган 443 нафар аъзолар ҳолидан хабар олиниб, улардан 127 нафарининг даволаниши учун моддий ёрдам ажратилди.

«Касба уюшмаси – фахрийларга» акция доирасида 20 нафар меҳнат фахрийси учун комбинатнинг «Рангли металл» ва «За цветные металлы» газеталарига бепул обуна ташкил этилди. Йил давомида нишонланадиган байрамлар арафасида 1 нафар меҳнат фахрийсига манзилли ёрдам ажратиб келинмоқда. «Қанд» касаллигига чалинган 6 нафар ходимга даволаниши учун моддий кўмак кўрсатилди. Ногиронлар куни муносабати билан ишламайдиган 6 нафар пенсионерга тўққиз номдаги озиқ-овқат махсулотлари

тўплами ажратилди. Заводнинг 2 нафар ходими пенсияга чиқиши муносабати, 8 нафар ишчи-ходим эса юбилей муносабати билан рағбатлантирилди ва уларга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

«Касба уюшмалари – болаларга» акцияси доирасида 21 нафар ишчи-ходимнинг фарзандларига ўқув қуроллари топширилди.

– Касба уюшмаларининг бош мақсади – ишчи-ходимларга доимо камарбаста ва елкадош бўлиш, – дейди Олмалиқ кон-металлургия комбинати ходимлари касба уюшмаси кенгаши раиси Абдурашид Ҳайдаров. – Бу жараёнда Марказий таъмирлаш-механика заводи касба уюшмаларининг фаолияти комбинат учун намуна бўлиб келмоқда.

Семинар-тренингда иштирокчилар заводда ишчи-ходимлар учун яратилган шарт-шароитлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

Умида ЖАЛИЛОВА,
ОКМК ходимлари касба уюшмаси кенгаши етакчи мутахассиси

Акция



Акция доирасида донорлик қилиб, ўзгаларга кўмак берган юртдошларимизга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»



Достонлари каби барҳаёт бахши

иши ҳамда «Бўдана» маҳалласи ҳудудида жойлашган «Гиштли ота» қабристонидеги бахшининг қабрини зиёрат қилишди.

Байрам тадбирлари асосан Фозил Йўлдош номи маҳалладаги байрамона, чор-атрофи ўтовлар, бахшининг сиймоси туширилган паннолар, ранг-баранг ленталар билан безатилган хиёбонда бўлиб ўтди. Туман фаоллари ва меҳмонлар, энг аввало, бахши шоир бюсти пойига гуллар қўйишди. Сўнгра шу йил янги қурилган Фозил Йўлдош ўғли ёдгорлик мусеи ҳамда хиёбонининг очилиши учун тортилган рамзий лента қирқилгач, меҳмонлар музей экспонатлари билан яқиндан танишишди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, бахши шоирнинг 150 йиллик юбилейи олдиндан янги музей қурилиши, ёнидаги маданият уйини қайта таъмирлаш, салкам бир гектар майдондаги хиёбонни ободонлаштириш ишларига 5 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилганди.

Юбилей тадбирлари давом этар экан, дид билан жиҳозланган сахнага бирин-кетин Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев, вилоят ҳокими ўринбосари Рустам Қобилов, «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири Сирожиддин Рауф, Ўзбекистон консерваторияси профессори Ботир Матёкубов ва бошқа олимлар, адиблар, қола-

верса, бахши шоир билан мулоқотда бўлган нуроний отахонлар тақлиф этилди. Улар Фозил шоирнинг ҳаёти ва ижоди, бой адабий мероси ҳақида маърузалар қилишди. Нуронийлар бахши шоир билан боғлиқ қизиқарли хотираларни сўзлаб беришди. Тадбирда сўзга чиққан Фозил Йўлдошнинг набираси, тарихчи Нарзилла Фозилов бобосининг 150 йиллик юбилейини юксак савияда ўтказишга катта ҳисса қўшган барча масъулларга, фольклоршунос олимлар ва туман фаолларига бахшининг қавму-қариндошлари, барча набиралари ва чеваралари номидан миннатдорлик билдирди.

Фольклор-этнографик ансамбллари, бахши шоирлар ижросидаги куй-қўшиқлар ва термалар кўнгилларга олам-олам завқ улашди.

Шу куни бахши шоир номи билан аталувчи маҳалла ҳудудида жойлашган 20-болалар мусика ва санъат мактабда Республика бахшилар кўрик-танлови ҳам бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг турли бурчакларидан келган таниқли бахшилар ўз маҳоратларини намоиш этишди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, Фозил шоир халқ дарди билан яшаган ижодкор. Унинг «Алпомиш» достони ЮНЕСКОнинг тарихий мерос объектлари рўйхатига киритилгани ижодкор-

нинг нечоғли буюк иқтидор эгаси эканидан далолат беради. «Назар ва Оқбўтабек», «Зулфизар билан Аваз», «Юсуф билан Аҳмад», «Интизор», «Муродхон», «Ёдгор», «Ширин билан Шакар», «Ба-логардон», «Мулла Ғойиб», «Жаҳонгир», «Машриқ», «Нурали», «Ошиқ Ғариб», «Раяно ва Сухангул», «Рустамхон», «Авазхон», «Кунларим», «Зевархон» ва «Тўлғоний» каби қирқдан ортқк достонларида олижаноблик ва инсонпарварлик, халқнинг умид ва орзулари, турмуш кечинмалари бадийи образлар орқали ўта жонли тасвирлаб берилган.

Ўз халқининг сеvimли оқини, бахши-шоир Фозил Йўлдош ўғли 1955 йил 17 мартда вафот этади. Оиласига қисқача тўхталадиган бўлсак, унинг Завра деган биринчи хотинидан (устози Йўлдош шоирнинг қизи) Мелихол, Ҳайитгул, Парда-хол, иккинчи Холдоной исмли турмуш ўртоғидан эса Улбўсин, Тўқслуб исмли, жами 5 нафар қизи бўлган. Қизларининг ҳаммаси вафот этишган. Ҳозирги кунда бахшининг 20 нафардан ортқк набира ва қўлаб чевара-эваралари етук олимлар, ижодкорлар, устоз-мураббийлар, тадбиркорлар сифатида юртимизнинг турли жойларида самарали меҳнат қилишяпти.

Холбой ҚОСИМОВ,
журналист

Ёднома



Мавзуга қайтиб...

«ПАХТАЛИСОЙ»ДА ҲАМОН КЎПРИК ҚУРИЛГАНИ ЙЎҚ

ёхуд кўп йиллик умидлар янги йилда ушаладими?

Халқимиз ҳар бир йилни ўзгача ҳаяжон билан кутади. Айниқса, йилларга қандай ном берилишига эътибор, қизиқиш юқори бўлади.

Жумладан, ортда қолаётган Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йилида ҳам мамлакатимизда кўплаб ислохотлар амалга оширилди, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланди. Аммо бу ислохотлар ҳамма маҳаллаларга ҳам тўла етиб бораётими?

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 3 март кунги сониде «Вақтинчалик кўприклар: «Пахталисой» аҳлининг дардини ким эшитади?» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда «Пахталисой» маҳалласи аҳолисини кўп йиллардан буён қийнаб келаётган муаммо – қишлоқ ўртасидан кесиб ўтган сой узра кўприк қуриш масаласи қаламга олинган эди.

Газета – фақат бирор муаммони чоп этибгина қолмай, унинг ечими билан ҳам қизиқади, мутасадди ташкилотларнинг кўтарилган масалага муносабатини сўрайди. Шунинг учун ҳам тахририят юқоридеги мақолани Қашқадарё вилояти ҳокимлигига жўнатди...

Орадан 9 ойдан ошикроқ вақт ўтди. Аммо ҳали-ҳамон «Пахталисой» аҳолиси кўприк қурилишини умид билан кутаётди.

– Маҳалламиз катта, – дейди шу ҳудудда яшовчи Шерзод Тожиев. – Икки нафар фарзандим авария ҳолатидаги кўприкдан ўтиб, мактабга қатнайди. Каналга сув келганда боламиз уйга келгунча юрагимизни ҳовучлаб кутиб ўтирамиз. Ўзимиз шифохо-



Орадан 9 ойдан ошикроқ вақт ўтди. Аммо ҳали-ҳамон «Пахталисой» аҳолиси кўприк қурилишини умид билан кутаётди.

нага, маҳалла идорасига, туман марказига ёки сойнинг нариги томонидаги тўй-маъракаларга бормоқчи бўлсак, шу кўприкдан ўтамиз. Ёмғир, қор ёғса аҳвол мураккаблашади. Сел келса, у ёқдан бу ёққа ҳаракат, ўтиш-қайтиш тўхтади. Кимга мурожаат қилайлик? Бизни ким тинглайди?

– Яқинда Қаршидан мутахассислар келишганда «Энди кўприк қурилар экан-да», деб қувонгандик, – деди Акрам Олтибоев. – Аммо бизнинг маҳалламизда қурилиши керак бўлган кўприкни кимдир қўшни «Эски анҳор» маҳалласига тортиб кетибди. Эшитдик, шу маҳаллада кўприкни лойиҳалаш ишлари бўлаётган экан. Ваҳоланки, ушбу маҳаллада кўприклар сони етарли. Қурилатган кўприк биздан 7-8 километр юқоридеги, узоқ. Нега энди кўприкни зарурати бор жойга қурмай, бошқа жойдан қу-

ришмоқчи, тушунмадик. Ахир, бу кўприкка 1 миллиард 800 миллион сўм маблағ ажратилган эмиш. Бу ҳазилакам маблағми?

Шу ўринда бир мулоҳаза. Пахталисойликларга зарур бўлаётган кўприкни қуриш, аҳолини рози қилиш шунчалик қийинми? Ахир қурувчиларимиз Амударё, Сирдарё устидан улкан-улкан, мустақкам-мустақкам кўприклар қураётган бир замонда қишлоқ ўртасини кесиб ўтган сой устидан кўприк қуриш асрларни ёки йилларни қаритадиган муаммо эмас-ку, ҳарқалай? Қашқадарё вилояти ҳокими ёхуд Қўқдала тумани ҳокими вазиятдан бохабар эмасми?


Менимча, улар яхшигина хабардор. Чунки танқидий мақола чиққан газета тахририят томонидан Қашқадарё вилояти ҳокимлигига жўнатилган. Қўқдала тумани ҳокими Хуррам Жўраевга эса газетани шахсан ўз қўлим билан берган эдим. У газетани ёрдамчисига бериб, «Ҳали буни олдimgа олиб кирасан. Кўриб чиқаман», дегани ёдимда.

Бундан ташқари, газета чиққан март ойининг охирида вилоят ҳокимлигига бориб, уларнинг муносабатини билмоқчи бўлганимда ҳокимлик мутахассислари менга мазкур масала ўрганиб чиқиш учун Чироқчи тумани ҳокимлигига жўнатилганини айтишганди. Чунки ўша пайтда Қўқдала Чироқчи тумани таркибида эди. Бу орада Чироқчи икита туманга бўлинди ва ўз-ўзидан Чироқчи тумани ҳокимлиги Қўқдала ҳудудидаги муаммога жавоб бериш масъулиятидан озод бўлиб қолди, чамамда.

«Пахталисой» маҳалласи фуқароси Пардамурод Солиевнинг айтишича, яқинда Қўқдала тумани ҳокими Хуррам Жўраев маҳаллага келган ҳамда вазият билан танишган. Бироқ бу ташрифнинг кўприк қуриш учун ажратилган маблағни «Эски анҳор» маҳалласига эмас, «Пахталисойга» йўналтиришга фойдаси теғармикан? Ёки давлат томонидан «Пахталисой» учун яна бошқа маблағ ажратилармикан?

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ ҲАҚИДА КУЮНИБ ГАПИРАДИ. 2023 ЙИЛНИНГ ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ОРТИДА ҲАМ КЎП ВА ҲЎБ ЭЗГУ РЕЖАЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТУРИБДИ. ИНСОНЛАР ЭЪТАНГИ КУНГА УМИД БИЛАН ҚАРАШМОҚДА. ШУ ЖУМЛАДАН, ПАХТАЛИСОЙЛИКЛАР ҲАМ ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИДА УШАЛМАГАН ОРЪУЛАРНИ ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИДА УШАЛИШИДАН УМИДВОР...

Ақмал АБДИЕВ
«ISHONCH»



Фикр

БУГУНГИ ЎҚИТУВЧИ қандай бўлиши керак?

Мактаб ҳаёти ва бола тарбияси азал-азалдан кўпчилиكنи ўйлантириб келади ва билдирилаётган фикрлар ҳам хилма-хил. Баъзан ота-оналар ўқитувчининг савияси ва муомала маданиятидан шикоят қилишса, ўқитувчилар эса, боланинг ўқишга интилмаслигидан, ота-оналарнинг фарзандларига бепарволигидан куйинишади.

Менимча, ўқитувчининг асосий вазифаси дарсда ўқувчини зериктириб қўймасликдан иборат. Ўқувчиларнинг машғулотлар қийинлигидан чўчиб қолмаслигини таъминлаш ҳам устозларнинг касбий маҳорати ва тажрибасига боғлиқ.

Шиддат билан ўзгараётган бугунги замонда ахборот манбалари кўпайгандан кўпайди. Натижада, ўқитувчининг билимсизлиги, мактаб жамоасининг муаммолари бир зумда оммага ошкор бўлиб қолмоқда. Соҳада яхши натижаларга эришиш учун, энг аввало, ўқитувчиларни билимли қилиш зарур. Билим деганимиз муаллимнинг салоҳияти, тажрибаси ва одоб-ахлоқини ҳам ўз ичига олади, албатта.

Ҳозирги кунда баъзи мактабларда шундай муҳит ҳукмронки, бола ўқитувчидан чўчиди. Нега? Чунки бизда боланинг билимини баҳолаш мезони бор. Буни ўзгартириш, замонга мослаш керак. Икки баҳо олган ўқувчи дўстлари олдида қиснади. Баъзан беозор болани ўқитувчилар керагидан ортиқ даражада камситиб юборишади. Муаллимнинг даққисидан, аълочи синфдошларининг муносабатидан «иккичи» уялади. Уят аста-секинлик билан қўрқувга айланади. Қўрққан бола ўқитувчи олдида билганларини айтиб беролмайди.

Ўшш, мактаб ва бола ўртасидаги бундай номутаносиб муҳитдан қандай қутулиш мумкин? Бунинг учун ҳар бир синфда тажрибали психологлар фаолиятини йўлга қўйиш лозим. Ўқитувчилар ҳам, ота-оналар ҳам психологлар олдида ҳисобдор бўлиши шарт. Ўқитувчининг ишига баҳо бериш ёки уни рағбатлантиришда мактаб психологининг фикр-мулоҳазалари ҳам эшитилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Ўз навбатида, психологлар ҳам мактаб маъмурияти ва ота-оналарга вазифалар, режалар ҳақида ахборот бериб турса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан кўпроқ мулоқотда бўлиши, улар билан ҳаётий мавзуларда тез-тез суҳбатлашиб туриши боладаги тортиниш, чўчиш аломатларини йўқотади. Ўқувчи ва ўқитувчининг руҳан яқинлашуви ўртадаги ҳар қандай салбий муносабатларга чек қўяди. Бундай устозларни тарбиялаш ва тайёрлаш бугунги таълим жараёнининг асосий йўналишларидан бири бўлиши лозим.

Бизнинг таълим тизимимизда учрайдиган энг катта муаммолардан яна бири – хом-хатала дарсликлар ва ўз устида ишламайдиган устозлар масаласидир. Тан олиш керак, ўша «зўр» дарсликлар ҳам бугун ҳамма ўқувчиларга етмайди. Энди тасаввур қилинг, ўз устида ишламайдиган, замонавий таълим талабларига жавоб беролмайдиган ўқитувчилар қаторига сифатсиз дарсликларни, боланинг мактабга келмай қолган кунларини, ота-оналарнинг бефарқлигини ҳам қўшадиган бўлсак, кўз олдимизда таълим тизимидаги катта муаммо пайдо бўлади. Бола шундай салбий ҳолатлар авж олган мактабда нимани ўрганиши мумкин?..

Сир эмас, бугун кўпчилик ўқитувчилар уй-рўзгор ташвишларига ҳам ўралашиб қолишган. Токи, ўқитувчиларнинг фикр-хаёли фақат мактаб ва дарс билан боғланмас экан, тизимдаги кемтикларни тўлдириб бўлмайди.

Очилини айтганда, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, уларга тоифа бериш мақсадида жорий қилинган аттестация ҳамда қўшимча ўқитиш жараёни ҳам анча эскирган. Тестга мослаштирилган синовларда ўқитувчининг шахсий фикрлари, ташаббускорлиги эътибордан четда қолади. Бу, айниқса, гуманитар фанлар ўқитувчилари учун катта йўқотишларга сабаб бўлиши мумкин. Ўқитувчининг фикр-мулоҳазалари таълимда катта аҳамиятга эга.

Кучли сабоқ, таълим ва тарбия бериладиган жойда натижалар ҳам қувонарли бўлади. Мисол учун, 2021-2022 ўқув йилида мен ишлайдиган академик лицейни 235 нафар ўқувчи битирган бўлса, улардан 231 нафари турли олий ўқув юртига кириш бахтига муяссар бўлишди. Бундай юксак муваффақиятга жамоамиз билан яқид бўлиб ишлаш орқалигина эришдик. Ўйлайманки, бундай катта натижани ҳар қандай лицей ёки ўрта таълим мактабларида ҳам қайд этиш мумкин. Бунинг учун бир ёқадан бош чиқариб, интилиш, ўрганиш ва талабни кучайтириш керак.

Гўлҳебра УЛУҒБЕРДИЕВА,

Новоий давлат кончиликл ва технологиялар университети қошидаги академик лицей ўқитувчиси, «Шўхрат» медали соҳибаси

Мушоҳада

ХЕЛЛОУИН қанақа байрам?

Охирги пайтларда Хеллоуин байрами бирмунча оммалашди. Бу ном «Барча муборак айёмлардан олдин» ёки «Муқаддас кун арафасидаги оқшом» маъноларини англатади. Келиб чиқиш тарихи эса қадимги кельтларга, яъни милoddан аввалги биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмида ҳозирги Буюк Британия, Франциянинг шимоли ва уларга қўшни ҳудудларда яшаган қадимги ҳинд-европа қабилаларига бориб тақалади. Бу халқ 1 ноябрда иссиқ кунлар тугаши, ҳосил йиғиб-териби олиниши ҳамда киш бошланиши шарафига турли қурбонликлар сўйиб ва гулхан ёқиб, байрам қилишган. Шўнингдек, айнан 31 октябрдан 1 ноябрга ўтар кечаси тириклар ва марҳумлар олами ўртасидаги парда жуда юпқалашиб, руҳлар тирик дунёга ўтишига ишонган. Ўша оқшом ҳайвон териларини кийиб, катта гулхан атрофида айланиш айём удумларидан бири саналган.

Милoddан олдинги биринчи аср ўрталарида римликлар кельтларни забт этгандан сўнг эса иккала халқнинг маданияти ва урф-одати бирлашиб кетган ва Хеллоуин бугунги кундаги байрамга айланган. XIX аср охири ва XX аср бошларида у АҚШда давлат раҳбарлари томонидан ва газеталар орқали тарғиб қилинадиган бўлди ва диний кўринишларини йўқотди. Ҳозир мазкур мамлакатда бу байрам учун ҳар йили 6 миллиард доллар сарфланади.

Жорий йилги Хеллоуин Жанубий Корея пойтахти Сеулдаги фожиалар ва ислом оламида рўй берган фалокат туфайли анча шовшув билан ўтди. Маълумки, Жанубий Корея дунёга м и л л и й

кийимлари, овқатлари ва к-поп деб аталувчи ўзига хос мусиқа жанри билан машҳур. Итаевон тумани эса узоқ вақтдан бери Хеллоуин нишонланадиган жой бўлиб келган. Чет элликлар ҳам қатнашадиган бу байрам, айниқса, сўнгги вақтларда Осиёда янада машҳурлашди.

Аммо сўнгги икки йилликда пандемия туфайли байрам ўтказилмади. Бу йил 29 октябрда, аниқроғи, шанба кунги кечаси мамлакатда бу борадаги чекловлар бекор қилинган, Хеллоуинни нишонлаш учун Сеул марказига ўн минглаб кишилар йиғилди. Оқибатда тижилинчада нафас олиш қийинлашиб, ҳаракатланиш сусайди ва одамлар орасида ваҳима кўтарилди, баъзиларнинг юраги уришдан тўхтади. Яқшанба тонгига қадар халок бўлганлар 154 нафарга, жароҳат олганлар 133 нафарга етди. Қурбонлар орасида 20 нафардан зиёд чет эл фуқаролари, чунончи, фарғоналик 25 ёшли талаба ҳам бор эди.

Бу йигитнинг мурдасини Ўзбекистонга олиб келиш учун

15 минг доллар сарфланди. 20 минг долларлик компенсация пулини эса, у таълим олган Инчон университети тўлади.

Шу мамлакатда ўқийтган ватандошимиз Темурубек Абдухалиловнинг айтишича, ушбу фожиадан сўнг 5 кунлик мотам эълон қилинган, аҳоли норозилик митинглари уюштириб, фожидада ҳукуматни айбдор ҳисоблаган. Воқеа жойига гуллар ва марҳумларнинг суратлари қўйилган.

Саудия Арабистони энг муқаддас икки мусулмон маскани – Мадина ва Макка жойлашгани сабабли доимо жаҳон аҳлининг диққат марказида. Шу боис араб халқи ислом дунёсида доимий равишда муҳим стратегик ўринга эга. Аммо Қиролликнинг янги ҳукмдори ва валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Бин Салмон мамлакатни модернизация қилиш бўйича янги ғояларни илгари сургани сабабли баъзи қарашлар ўзгармоқда. Чунончи, ушбу мамлакат тарихида илк бор Хеллоуин байрами нишонланди. Ар-Риёдада одамлар байрам либослари кийиб, суратга тушишди ва кўчаларни айланишди. Шу тариқа кўплаб мусулмонлар ва ислом давлатларининг норозиликларига сабабчи бўлишди.

Ўшш, Хеллоуин байрамининг исломда нишонланиши мантиққа қанчалик тўғри келади? Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?

Нилуфар АБДУМАЛИКОВА,
ЎзЖОКУ талабаси



Эълон

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти клиник касалхонаси томонидан Умарова Элара Мухтаровна номига берилган гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

